
ФАРҒОНАЛИК ФАОЛ ТАДБИРКОРЛАР ТАҚДИРЛАНДИЛАР

Вилоят ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойиши билан “Фаол тадбиркор” кўкрак нишони билан тақдирланган фарғоналик тадбиркорларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров, вилоят секторлари раҳбарлари, вилоят ҳокимининг ўринбосарлари ҳамда тадбиркорлар иштирокида ўтказилган тадбирда иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланишини таъминлаш, мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, тадбиркорликни ривожлантириш, экспорт салоҳиятини ошириш, янги иш ўринларини яратиш, инновацияларни жорий этиш, солиқларни ўз вақтида тўлаш, етук мутахассисларни тайёрлашда алоҳида ибрат кўрсатаётган, шунингдек, бизнесдаги муваффақиятлари ҳамда ижтимоий фаоллиги билан барчага намуна бўлаётган юртимиз тадбиркорлари қаторида “Musavartex” МЧЖ раҳбари Фарход Булатов, “BS textile Fargona” МЧЖ раҳбари Икромжон Воҳидов, “Farg’ona ibratli begim” МЧЖ раҳбари Шаҳноза Ғаниева ва “Lux yan tex” МЧЖ раҳбари Хуршиджон Мелиқўзиевларга “Фаол тадбиркор” кўкрак нишони топширилди.

Президент Фармойиши билан “Фаол тадбиркор” кўкрак нишонига муносиб кўрилган фарғоналик яна тўрт нафар тадбиркор – “Ilyasov” МЧЖ раҳбари Фаҳриддин Илясов, “Bolajon orzusi” МЧЖ раҳбари Хумоюн Аъзамов, “Art house sadosh” МЧЖ раҳбари Садоқат Мирзаева ва “Havvo group” МЧЖ раҳбари Маҳмуджон Парпиев бугун Тошкентда бўлиб ўтадиган тадбирда тақдирланишади.

Тадбирда шунингдек, вилоят иқтисодиётини ривожлантириш, аҳоли учун янги иш ўринлари яратиш, экспорт ҳажмини ошириш, саноатни маҳаллийлаштириш борасида фаоллик кўрсатаётган ҳамда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашда муносиб ҳисса қўшиб келаётган бир гуруҳ тадбиркорлар вилоят ҳокимининг Фаҳрий ёрлиғи билан тақдирландилар.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2022-08-20 19:58:09